



Истеъмол кайфияти шарҳи


2023 йил II чорак

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
Тошкент 2023 йил

Истеъмом кайфияти индекси

2023 йилнинг II чорагида **истеъмом кайфияти индекси¹ (ИКИ)** ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 0,4 бандга яхшиланиб, **26,5 бандни** ташкил этди.

1-расм. Истеъмом кайфияти индекси



Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Сўров натижаларига кўра, ўтган чорақда даромад олиш ва уни жамғариб бориш бўйича кутилмалар сезиларли яхшиланди. Шу билан бирга кредитга эҳтиёж ва харажат қилиш мойиллиги ҳам ошиб бормоқда.

Ушбу оптимистик ҳолат апрель ва май ойларида иш ҳақи ва нафақаларнинг оширилиши, даромадларнинг кўпайиши ҳамда шу билан бирга мавсумий харажатларнинг ортиши билан изоҳланади.

Харажат субиндекси

Келгусида харажатлари ошиб боришини кутаётганлар улуши сезиларли кўпайиб бормоқда.

Жорий йил II чорақда харажат субиндекси 2022 йилнинг II чорагига нисбатан 1,0 бандга ошди ва **14,7 бандга** тенг бўлди.

2023 йил I чорақда истеъмом талабининг бироз пасайиши кузатилган бўлса, II чорақ якунига кўра, харажат субиндексининг ошиши


¹ Индекс кўрсаткичи -100 дан +100 оралиғида бўлиб, кўрсаткич +100 га яқинлашгани сари истеъмом кайфиятидаги ижобийликни ифодалайди.

ушбу даврда истеъмол талабининг сезиларли жонланганлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, харажатлари ортишини кутаётганлар улуши ўтган йилнинг мос чорагига нисбатан **4 ф.б.га** ошган (ўтган чоракка нисбатан 6 ф.б.га ошди) бўлса, харажатлари қисқаришини кутаётганлар **1 ф.б.га** камайди.

Маълумот учун, 2022 ва 2023 йилнинг дастлабки ярим йиллигида ўхшаш динамика кузатилган, яъни йилнинг дастлабки чорагидаги нисбатан пасайган истеъмол талаби иккинчи чоракда ўсувчи тренд қайд этди.

2-расм. Келгуси харажатларнинг ўзгариши бўйича кутилмалар




Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Шу билан бирга, ўтган чоракда аксарият респондентлар **таълим, уй-жой таъмири, даволаниш, маиший техника** хариди ва оилавий тадбирларни ўтказишга кўпроқ маблағ сарфлаганларини таъкидлаган бўлсалар, келгуси ойларда **уй-жой таъмири ва хариди учун, таълим, автомобиль, даволаниш, тўй маросимлари ва бошқа қўшимча** харидларни амалга оширишни режалаштирувчилар кўпчиликти ташкил этган.

Маълумот учун, ўтган йилнинг II чорагида ҳам кўпчилик респондентлар келгуси ойларда уй-жой таъмири, таълим ҳамда даволаниш ва бошқа қўшимча харидларни амалга ошириш истагини билдирганлар.

Бундан ташқари аҳоли маиший техника хариди ва саёҳат қилишга ҳам харажатларини тақсимлай бошлаган. Бу ўз навбатида келгуси ойлarda ушбу товар ҳамда хизматларга бўлган талабни қувватлайди ва хизматлар нархида инфляция босим сақланиб қолишига сабаб бўлиши мумкин (3-расм).

3-расм. Йирик харидлар/харажатлар ўзгариши



Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Кредит субиндекси


Келгусида кредит олишга талабгорлар биров ортмоқда.

Жорий чорақда ўтказилган сўровларда респондентлар фикрига кўра, кредитга бўлган талаб ўтган йил даражасида сақланиб қолди ва кредит субиндекси **8,7 бандга** тенг (жорий йилнинг I чорағига нисбатан 0,7 ф.б.га кўп) бўлди.

Таъкидлаш лозим, II чорақда ҳам аввалги чорақларда кузатилганидек истеъмол кредитларига бўлган аҳолининг юқори талаби сақланиб қолган.

Респондентлар орасида асосан, **2 млн. сўмгача, 7-10 млн. сўмгача** ва **10 млн. сўмдан** кўпроқ даромад олувчилар келгусида кредит олишни кўпроқ режалаштираётганини таъкидлаган. Бунда ушбу гуруҳ вакилларининг улуши ўтган йилнинг мос даврига солиштирганда биров ошган бўлса, **2-3 млн. сўм, 3-5 млн. сўм** ва **5-7 млн. сўм** атрофидаги даромад гуруҳидагиларнинг кредитга талаби пасайган (4-расм).

4-расм. Келгусидаги кредитга бўлган талаб ўзгариши бўйича кутилмалар



Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Жорий йилнинг иккинчи ярмида ҳам кредитга бўлган ялпи талаб юқориликча сақланиб қолиши кутилмоқда. Хусусан, II чоракда келгуси ойлarda кредит олишга эҳтиёжлари борлигини билдирганлар 2022 йилнинг тегишли даври билан бир хил даража (66 фоиз)ни ташкил этди.

5-расм. Келгусида кредитга ва харидларга бўлган талабнинг шаклланиши

Келгусида янги кредитга бўлган талаб ўзгариши	Келгусида қўшимча харажатларнинг ўзгариши				
	кўпаяди	бироз кўпаяди	ўзгаришсиз қолади	бироз камаяди	камаяди
ошади	21	9	3	1	1
бироз ошади	13	15	3	1	0
ўзгаришсиз қолади	9	8	6	1	0
бироз камаяди	1	1	1	1	0
камаяди	3	1	0	0	0

Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Респондентлар келгуси ойлarda харажатлари ошиб боришини асосан, кредит эвазига қоплашларини билдирган (5-расм).

Маълумот учун, 2023 йилнинг январь-июнь ойларида жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар 2022 йилнинг мос даврига нисбатан 73 фоизга кўпайган. Бунда, асосан, ўтган чорақдагидек таълим ва истеъмол кредитлари, автокредит ҳамда микроқарзлар ажратишда ўсиш кузатилган бўлса, овердрафт кредитларини бериш ўтган йилнинг мос даврига нисбатан сезиларли камайган.


Даромад субиндекси

Респондентларнинг келгусида даромадлари ошиши бўйича оптимистик кутилмалари шаклланишда давом этмоқда.

Ушбу даврда даромад субиндекси ўтган йилнинг II чорагига нисбатан **2,7** бандга кўтарилиб, **11,5 бандни** ташкил этди. Таъкидлаш лозим, ушбу кўрсаткич ўтган I чорақда **10,8 га** тенг бўлган.

II чорақда ҳам келгусида даромадлари кўпайишини кутаётганлар улуши 2022 йилнинг II чорагига солиштирганда **7 ф.б.га** ошиб, **69 фоизга** тенг бўлди.

6-расм. Сўров иштирокчиларининг жавоблари бўйича тақсими (даромадлар кесимида)



Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Даромади ошишини кутаётган респондентларнинг кўпчилиги **7-10 млн. сўмгача** ва **10 млн. сўмдан** юқори даромадга эга бўлганлар гуруҳига тўғри келмоқда. Даромади нисбатан пастроқ (**2 млн. сўмгача**)

бўлган аҳоли вакилларининг келгусида даромади ортиши бўйича кутилмалари қолган даромад гуруҳларига нисбатан пастроқ шаклланди (6-расм).

Сўровда **ишлаб чиқариш, туризм, қурилиш, ташиш хизмати, банк ва молия ҳамда давлат бошқаруви** соҳаларида фаолият юритувчиларнинг даромадлари бўйича оптимистик кутилмалари нисбатан юқорироқ, аксинча, **маиший хизмат, кафе-ресторан, тиббиёт ҳамда ахборот технологиялари ва оммавий ахборот воситалари** соҳасидагиларнинг келгусидаги даромадлари бўйича кутилмалари нисбатан пастроқ шаклланмоқда (7-расм).

7-расм. Сўров иштирокчиларининг жавоблари бўйича тақсимоти (соҳалар кесимида)


Соҳалар	2023 й 1-чорак			2023 й 2-чорак		
	кўпаяди	ўзгаришсиз қолади	камаяди	кўпаяди	ўзгаришсиз қолади	камаяди
ишлаб чиқариш	60	33	7	65	25	9
қурилиш	63	28	9	71	23	6
қишлоқ хўжалиги	66	24	10	67	26	7
маиший хизмат	71	24	5	59	31	10
кафе-ресторан	69	24	7	64	34	2
ташиш хизмати	62	24	14	65	27	7
фан-таълим	73	20	7	73	22	5
тиббиёт	71	20	9	62	31	7
коммунал хизмат	61	32	7	65	28	7
туризм	64	26	10	84	14	3
банк ва молия	69	22	9	70	21	9
давлат бошқаруви	63	27	10	72	22	6
АТ ва ОАВ	72	20	8	70	23	7
савдо	74	20	7	73	17	10
бошқа	66	23	11	65	26	9

Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Жамғариш субиндекси

Келгуси ярим йилликда респондентларнинг жамғариш кайфияти ижобийлашмоқда.

2023 йилнинг II чорагида жамғариш субиндекси аввалги йил II чоракка нисбатан 2,7 бандга яхшиланиб, **8,3 бандга** (жорий йил I чоракда 7,3 бандни ташкил қилган) тенг бўлди.



Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Келгусида жамғармалари кўпайиши бўйича ижобий кутилмаларга эга респондентларнинг улуши аввалги йилнинг мос даврига солиштирганда 8 ф.б.га ортиб, **65 фоизни** ташкил этди (*жорий йилнинг I чорагида 52 фоиз тенг*).

Апрель-май ойларида иш ҳақи ва нафақаларнинг оширилиши, миллий валюта курсининг нисбатан барқарор шакллангани, депозит фоиз ставкаларининг жамғариш учун жозибадорлиги, шунингдек келгусида иш ҳақиларнинг ошиши бўйича кутилмалар фонида жамғариш кайфияти ижобий шаклланмоқда.

Маълумот учун, 2023 йилнинг июнь ойида аҳоли депозитларининг фоиз ставкалари инфляцион кутилмаларга нисбатан **5-6 фоиз юқори**роқ шаклланди.


Респондентларнинг жамғармалари етарлилик даражаси бўйича тенденциялар бироз ўзгарувчан шаклланмоқда. Жумладан, 2022 йилнинг II чорагида жамғармалари **1 ойгача** муддатга етишини билдирганлар кўпроқни ташкил этган бўлса, 2023 йилнинг мос даврида жамғармалари **1-3 ой 3-6 ой** ҳамда **6 ой ва ундан узоқроққа** етишини таъкидлаганлар улуши ошиб бормоқда. Шунингдек, жамғармалари мавжуд эмаслар синфи ўтган йилнинг мос даврига солиштирганда камайган бўлса, жорий йилнинг I чорагига нисбатан бироз ошди (*9-расм*).

Иқтисодиёт бўйича кутилмалар


Келгусида мамлакат иқтисодиётининг **1 йиллик** истиқболлари бўйича ижобий кутилмаларга эга жавоблар улуши 2022 йил мос даврига

солиштирганда **10 ф.б.га ошган** бўлса (63 фоиз), ёмонлашишини кутганлар улуши ўтган йил мос даврига нисбатан **6 ф.б.га** қисқарди.

10-расм. Келгуси 12 ой учун мамлакат иқтисодиёти бўйича кутилмалар



11-расм. Келгуси 3 йилда мамлакат иқтисодиёти бўйича кутилмалар



Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Узоқ муддатли иқтисодиёт бўйича кутилмалар нисбатан оптимистик характер касб этмоқда. Хусусан, иқтисодиётнинг яқин 3 йилликдаги истиқболлари бўйича кутилмалари аввалги йилнинг тегишли даврига нисбатан **1,0 ф. б.га** ошиб, **74 фоизни** ташкил этди (10-11-расмлар).

© Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2023 йил

Пул-кредит сиёсати департаменти томонидан тайёрланди.

Ўз таклиф ва эътирозларингизни қуйидаги манзилга жўнатишингиз мумкин:

E-mail: achilov@cbu.uz

Тел.: (+998) 71 212-60-22